2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 69 (69), 2020 йил 29 апрель, чоршанба

201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ОДАМЛАРНИНГ РУҲИНИ КЎТАРДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни юз берган табиий офат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида 28 апрель куни Бухоро вилоятида бўлди.

27 апрель куни мамлакатимизга Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳаёти, инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Шамолнинг тезлиги айрим ҳудудларда секундига 40 метргача етди. Ҳодиса талафотлари, айниқса, Бухоро вилоятида катта бўлди. Бир неча фуқаро жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлди. Шунингдек, уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди.

Халқ ичида бўлиш, одамларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш, турмуш шароитини яхшилаш Президентимиз фаолиятининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ҳозирги пандемия шароитида долзарб масалаларнинг кўплиги ва ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, халқ дардига малҳам бўлиш учун зудлик билан Бухоро вилоятига етиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вертолётда Қоракўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди.

Олот тумани марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари кутилмаган табиий офат — кучли шамол одамлар турмуши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга салбий таъсир қилганини афсус билан қайд этди.

Коронавирус пандемияси пайтида ҳамма ташкилий чора-тадбирларни кўриб, тартиб-интизомни қаттиқ тутганимиз натижаларини кўряпсизлар. Ҳар бир фуқаронинг ҳаётини асраш учун 24 соат ҳаракат қиляпмиз. Албатта, бу ҳаммамизнинг бошимизга тушган катта синов. Аввал айтганимдек, биз бу қийинчиликдан жипслашиб, янада қудратли бўлиб чиқамиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз ошади. Кечаги офат ҳам яна бир синов бўлди. Ҳаммасини бевосита кўриш, сизларнинг кайфиятларингизни кўтариш учун ўзим келдим. Қўлимизда барча маълумотлар бор. Қанча маблағ керак бўлса, берамиз. Биронта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмайди. Энг катта масала — саранжом бўлиб, одамларни асраш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари саросимага тушмасдан, ҳар кунги юмушларни давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳар бир хонадонга кириб, одамларга хавотирга тушмасликни, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, етказилган талафот тез кунларда бартараф этилишини тушунтириш кераклиги қайд этилди. Қоракўл ва Олот туманлари ҳокимларига мана шу оғир кунларда одамларнинг руҳини кўтариб, уларни бирлаштириб, халқимиз нималарга қодир эканини кўрсатиш бўйича тавсиялар берилди.

Учрашувда мана шундай оғир кунларда тадбиркорларимиз "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, бағрикенг, олийҳиммат юртдошларимиз сафи кенгайиб бораётгани маҳаллалар, ҳудудларни обод қилишда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда **мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш** имкониятини таъминлаш;

Давоми 2-бетда

ХАНС КЛЮГЕ:

"ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР ДАМЛАРДА БИРДАМЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА"



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клуге ташкилот ва Ўзбекистоннинг COVID-19 га қарши курашдаги қўшма ҳаракатлари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида илгари сурган ташаббуслари, пандемия устидан ғалаба қозониш учун биргаликдаги интилишлар аҳамияти ҳақида "Дунё" АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА коронавирус билан касалланган ва СОҒАЙГАНЛАР бўйича маълумот



1939 КАСАЛЛИК АНИҚЛАНГАНЛАР +35

992 СОҒАЙГАНЛАР +100

8 ВАФОТ ЭТГАНЛАР +0

939 ДАВОЛАНАЁТГАНЛАР

29.04.2020 23:00 ҲОЛАТИГА КЎРА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ҲУДУДЛАР НОМИ	КАСАЛЛИК АНИҚЛАНГАНЛАР	СОҒАЙГАНЛАР	ВАФОТ ЭТГАНЛАР	ДАВОЛАНАЁТГАНЛАР
Қорақалпоғистон Республикаси	104	50		54
Андижон вилояти	154	88		66
Бухоро вилояти	395	289		106
Жиззах вилояти	3	3		
Қашқадарё вилояти	6	5		1
Навоий вилояти	2	1		1
Наманган вилояти	194	61	3	130
Самарқанд вилояти	63	11		52
Сирдарё вилояти	17			17
Сурхондарё вилояти	33	18		15
Фарғона вилояти	138	59	1	78
Хоразм вилояти	222	94		128
Тошкент шаҳри	608	313	4	291



Охирги йилларда Ўзбекистон ҳукумати ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қатор давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси билан кўплаб музокаралар ўтказди ва самарали натижаларга эришмоқда. Айни пайтда Россия томонидан янги миграция стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 апрель, 69-сон

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ОДАМЛАРНИНГ РУҲИНИ КЎТАРДИ





Бошланиши 1-бетда

Сўнгги уч йилда қилаётган барча саъй-ҳаракатларимиз, ҳар куни ўз устимизда ишлаб, тинимсиз изланаётганимиздан мақсад аввало, одамларни рози қилиб, инсон манфаатларини юксалтиришга қаратилган. Мана шундай оғир кунларда бағрикенг халқимиз бирлашиб, давлатимиз олиб бораётган ишларга камарбаста бўлса, бу синовни ҳам албатта, енгиб ўтамиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Муборак Рамазон кунларида Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик-осойишталик, юртимизни турли бало-офатлардан асрашини тилаб дуо қилинди.

Президентимиз муқаддас динимизни, улуғ аждодларимизнинг бу йўлдаги илмий меросини чуқур ўрганиш билан боғлиқ муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Бухоро халқаро аэропортида табиий офат оқибатларини бартараф этиш, аҳоли, фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди. Давлатимиз раҳбари шу куннинг ўзида Тошкентга қайтиб келди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Видеоконференция

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Вазирлар Маҳкамасининг Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик департаменти, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳамкорлигида "Хусусий бандлик агентликлари институтини такомиллаштириш: миллий ва халқаро тажриба" мавзусида халқаро видеоконференция ўтказилди.

Тадбирда халқаро меҳнат миграциясида хусусий бандлик агентликларининг роли, улар фаолиятини ташкил этишда хорижий давлатларнинг амалиётлари, қонунчилик доирасида улар фаолиятини тартибга солиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, халқаро меҳнат миграцияси доирасидаги фаолиятга кириш, танлаб олиш ва ишга жойлаштиришнинг этика қоидалари, миграция сиёсатини ишлаб чиқишда халқаро қонунчиликнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида барча соҳаларда бўлгани каби меҳнат миграциясида ҳам юзага келаётган жиддий муаммоларни бартараф этиш, мамлакат ичида ва хорижда фуқароларни хавфсиз, тартибли ва манзилли иш билан таъминлаш бўйича тезкор чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Қуйида йиғилишда иштирок этган халқаро экспертларнинг меҳнат миграцияси соҳасидаги фикрлари билан танишинг.

Майкл НЬЮСОН,
Меҳнат миграцияси ва инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича бош мутахассис, ХМТнинг Жануби-шарқий Европа, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ҳудудий офиси вакили (Австрия):

— Меҳнат мигранти нафақат ўз оиласи, ватанига, қолаверса, ўзи ишлаётган давлатга ҳам фойда келтиради. Бугунги инқироздан кейин хорижий йирик иш берувчиларда, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларнинг етишмовчилиги кузатилади, бу одамларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир этади. Пандемиядан кейин бир йил давомида ҳам вазият аввалги ҳолатига қайтмаслиги мумкин. Шунинг учун инқироз даврида ва ундан кейин меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятни ҳамкорликда бошқариш лозим бўлади. Меҳнат миграция оқимини бошқариш учун бандлик агентликлари, иш берувчилар ва давлат ҳамкорлиги йўналишлари ҳамда улар томонидан қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб олиш зарур.

Инқироздан кейин бандлик агентликларига талаб ва улар томонидан фуқароларни ишга жалб қилиш жараёни кучаяди. Бу уларнинг айримлари томонидан одамларни ишга ёллашда ўз вазифаларини суиистеъмол қилиш хатарини ҳам оширади. Мазкур шароитда вазиятни самарали бошқариш учун мигрантларни жўнатиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, айниқса, уларнинг соғлиғини текшириш лозим. Бу борада мигрантларни қабул қилувчи ва жўнатувчи давлатлар ҳамда бандлик агентликлари ўртасида ишларнинг сифатли ташкил этилишини таъминловчи келишув бўлиши керак.

Яна бир муҳим жиҳат, меҳнат мигрантлари учун хавфсиз ва мақбул шароитларни яратиш учун, аввало, бандлик агентликлари меҳнат мигрантлари жалб этилаётган саноат соҳаларни яхши тушуниши лозим.

Павел ШАЛУС,
IRIS дастури менежери, ХМТ бош қароргоҳи вакили (Швейцария):

— Хорижий ишчи кучини адолатли ёллашнинг халқаро тизими (IRIS) стандартлари кўплаб мамлакатларнинг давлат идоралари, иш берувчилари ва бандлик агентликлари томонидан қабул қилинган ҳамда БМТ, ХМТ конвенцияларининг асосий нормаларига асосланган, шунингдек, бандлик ва меҳнат миграциясининг барча халқаро амалиётини қамраб олади.

Хусусан, ишчиларни жалб қилишда қонунийлик, очиқлик ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш принципларига риоя этиш лозим. Қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ, меҳнат мигрантларидан фойдаланишда мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик, иш берувчи ва меҳнат мигранти ўзаро ихтиёрий келишувга эга бўлиши, мажбурий тўловларга йўл қўймаслик, яъни хорижда ишга жойлаштирганлик учун тўловни фақат иш берувчи амалга ошириши, меҳнат мигранти ишдан ташқари вақтида эркин бўлиши, меҳнат шартларининг аниқ бўлиши, шахсий маълумотлар бандлик агентликлари ва иш берувчилар томонидан ошкор қилинмаслиги каби принципларга риоя этиши лозим.

Михаил ПУШКИН,
ХМТнинг бандлик масалалари бўйича бош мутахассиси (Россия):

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги қонунида ХМТнинг 181-конвенциясидаги мавжуд қоидалар тўлиқ акс этмаган. Қонунга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар эса ХМТ тавсиялари ва конвенцияларига асосланган ва халқаро стандартларга мос келади ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги коронавирус пандемияси инқирозидан, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, барча давлатлар зарар кўрмоқда. Бу, албатта, барча соҳалар каби меҳнат миграциясига катта зарба беради.

Тан олиш керак, охирги йилларда Ўзбекистон ҳукумати ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қатор давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси билан кўплаб музокаралар ўтказди ва самарали натижаларга эришмоқда. Айни пайтда Россия томонидан янги миграция стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Хорижга ишга кетаётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантларини саралаш амалиёти жорий этилса, бандлик агентликлари ва мигрантлар дуч келаётган муаммолар камайган бўларди.

Конференция иштирокчилари меҳнат миграцияси соҳасидаги муаммолар ечими, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали **электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;**

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали "рақамли тадбиркорлик"ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги **хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш** ва уларнинг экспортини **100 миллион долларга** етказиш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, "Беш ташаббус" лойиҳасини амалга ошириш доирасида **2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш.**

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг **лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан** ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида (кейинги ўринларда — Агентлик) крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар сақлаб қолинсин.

3. Вазирлик ҳузурида қуйидагилар:

а) **"Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази"** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш;

электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш;

б) **"Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази"** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш;

экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали уларни давлат органлари ва ташкилотларида кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида "ақлли" ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш.

4. Вазирлик марказий аппарати тузилмасида:

аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган **вазир ўринбосари лавозими киритилсин;**

Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва **Геоахборот технологияларини ривожлантириш** бошқармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган вазир ўринбосари лавозимини киритиш ва бошқармаларни ташкил қилиш Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари **ходимларининг умумий чекланган сони доирасида амалга оширилади.**

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш **вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш **вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Агентликнинг:

"Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM" МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини (кейинги ўринларда — Ягона интегратор) Вазирликка бегараз асосда ўтказиб бериш;

Вазирлик ташкилий тузилмасидаги **хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетларини (улушларини) Вазирликка ўтказиб бериш;**

Агентлик қошидаги "Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат унитар корхонасининг ахборот тизимлари ва бошқа аппарат-дастурий комплексларини **бир ҳафта муддатда** Вазирлик ҳузуридаги "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасига бегараз асосда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Қуйидагилар:

"Электрон ҳукумат" **тизимининг архитектураси 4-иловага** мувофиқ;

2020-2022 йилларда **электрон ҳукуматни янада ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **5-иловага** мувофиқ;

2020-2022 йилларда иқтисодиётнинг **реал сектори тармоқларида** замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **6-иловага** мувофиқ;

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" **7-иловага** мувофиқ;

2020-2022 йилларда **ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **8-иловага** мувофиқ;

2020-2021 йилларда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида (кейинги ўринларда — Жамғарма) электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг **идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобрақам очилсин.**

Жамғарма махсус ҳисобрақамининг **даромад манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан **абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи;**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг **11,25 фоизи,** шунингдек, **Ягона биллинг тизими** орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг **0,5 фоизи;**

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, абонент рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов, маблағларнинг тегишли қисми Жамғарманинг махсус ҳисобрақамига ўтказилгандан сўнг, бошқа олувчилар орасида **маблағларнинг қолган қисмидан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда тақсимланади** ва қонун ҳужжатларида белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича **умумий қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган** битта шартнома доирасида танловларни фақат Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки **резидентлари ўртасида ўтказиш ҳуқуқига эга;**

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган барча ахборот тизимлари ва ресурсларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги фақат **"Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади.**

11. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари томонидан **оммавий молиялаштириш (краудфандинг) ва опцион-шартномаларни тузиш тартибини белгилаш** бўйича таклиф киритсин.

12. "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасаси Ягона интегратор билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан, хабардор қилиш характеридаги маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган **Электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимини** ишлаб чиқсин.

13. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Агентлик бир ой муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг унга тегишли барча мол-мулк ва асбоб-ускуналари билан биргаликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига белгиланган тартибда топширилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2020 йил 1 августга** қадар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни **фақат почта алоқа объектлари тармоғи орқали етказиб бериш** тартибини белгиласин.

Вазирлик **2020 йил 1 августга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари тармоғи орқали йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахсларга етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–3549-сон қарори 4-банди, шунингдек, қарорга 2-4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 апрель

Муносабат



“ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК!”

Абдураззоқ МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий бўлими раиси,
геология-минералогия фанлари доктори

Бугунги кунда Ўзбекистон заминида 70 дан ортиқ турдаги 2000 тадан кўпроқ фойдали қазилма кони мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштириш орқали ер ости бойликларининг юртимиз иқтисодий ривожига йўналтирилган самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимиз маъдан конлари билан бир қаторда номаъдан фойдали қазилмаларга ҳам жуда бой.

Президентимиз раислигида 27 апрель куни геологияда амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда охирги уч йилда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилингани ва шу даврда тармоққа ажратилган маблағлар 3 баробар оширилгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, соҳадаги ускуналарнинг учдан бир қисми янгиланди. 850 тадан зиёд илғор инновацион технология жорий этилди. Натижада қидирилаётган қазилма бойлик турлари 3 тадан 17 тага кўпайди. Руда таркибида аниқланадиган элементлар сони 12 тадан 40 тага етказилди. 2019 йилда Марказий Осиёда илк бор замонавий аэрогеофизик комплекс ишга туширилиб, ер қаърини инновацион усулларда ўрганиш йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги “Қаттиқ фойдали қазилмалар ва конларни геологик ўрганиш мақсадида дастурий истиқболли танланган майдонларни ва фойдали қазилмаларнинг стратегик муҳим турлари саноатини ўзлаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, геологик ўрганиш учун хорижий инвестициялар жалб қилинадиган қаттиқ фойдали қазилмалар стратегик муҳим турларининг истиқболли майдонлари рўйхати тузилиб, унга 120 дан ортиқ фойдали қазилма кони киритилган эди. Ушбу рўйхатдаги конларнинг 50 фоизга яқини Навоий вилояти ҳудудида жойлашган. Айниқса, Қизилқум ва Нурота кон майдонлари номаъдан ва маъдан фойдали қазилмаларга бой бўлиб, уларда геологик тадқиқотларни олиб боришда янгича ёндашув талаб этилади.

Навоий вилояти ҳудудида нафақат фойдали қазилма бойликлар, балки техноген чиқинди уюмлари кўп тўпланган бўлиб, уларнинг зарур компонентларини комплекс ўрганишга йўналтирилган геологик тадқиқотларни тизимли ўтказиш натижалари юртимиз иқтисодиёти ривожига қўшимча ҳисса бўлиб қўшилади.

Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари бунинг учун халқаро стандартларни жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Хорижий мутахассисларни жалб қилиб, геологларни JORC стандартлари бўйича маълумот тайёрлашга ўқитиш муҳимлигини қайд этди. Ўзлаштириш учун тайёр бўлган 20 та конга тажрибали инвесторларни жалб қилиш, бошқа истиқболли майдонлар бўйича сармоявий лойиҳаларни шакллантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

2019 йилда Навоий вилоятининг эркин иқтисодий ҳудудга айлантирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 ноябрдаги “Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат хорижлик инвесторларнинг, балки маҳаллий тадбиркорларнинг ҳам Қизилқум ва Нурота маъдан майдонларидаги фойдали қазилма конларига қизиқишини оширмоқда.

Инвесторларни ўйлантирадиган муаммолардан бири шуки, таклиф қилинаётган кўпгина конларнинг башоратланган захиралар экани ёки геология қидирув ишлари охирига етказилган бўлса-да, реал мавжуд захиралар давлат захиралар комиссиясига топширилиб, кон сифатида давлат рўйхатига киритилмаганидир. Бу инвесторлар томонидан қайта геологик тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади. Инвесторда маблағ бор, лекин унда геологик тадқиқотлар учун на тажрибали мутахассис, на техник имконият мавжуд.

Айни шу масалалар ечимида Геология фанлари университетининг ташкил этилиши айни муддаодир. Бу бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Унинг ўқув дастурлари Санкт-Петербург кончилик университети ва бошқа хорижий олий таълим муассасаларнинг илғор тажрибаси асосида ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, кўпгина ҳолларда баъзи номаъдан конларнинг иқтисодий самарадорлиги маъдан конларидан олинадиган фойдадан анча юқорилиги эътироф этилади. Бу ўринда номаъдан бойликларни қазиб олиш, қайта ишлаш, бойитишга кетадиган сарф- харажатларнинг сезиларли даражада камлиги, аксарият ҳолларда номаъдан конларнинг ер юзида ёки ер сатҳига яқин жойлашгани ҳамда уларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида табиий ҳолда қўллаш имкониятининг мавжудлиги ҳам муҳимдир. Масалан, бентонит гиллари фармацевтикадан тортиб озиқ-овқат саноатигача бўлган 200 дан кўпроқ соҳада табиий ҳолда ёки қисман тозаланган ва бойитилган тарзда ишлатилади. Сарфланадиган харажат эса сотилиш нархининг бор йўғи 25-30 фоизини ташкил этади. Олтин маъданини қазиб олиш ва тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган харажатлар эса катта маблағ талаб қилиш билан бирга, сотилишига нисбатан таннархи 70-75 фоизни ташкил этади.

Бу борада геологлар учун соҳасининг етук мутахассиси бўлишнинг ўзигина етарли эмас, яъни бошқа турдош соҳалар вакиллари (кончилар, технологлар, геотехнологлар, кимёгарлар, физиклар) иштирокисиз, уларнинг илмий салоҳиятини жалб қилмасдан, бир жамоа бўлмасдан туриб, олдиларига қўйилган вазифаларнинг самарали ечимини топа олмайдилар.

Шу боис, бу олимлар иштирокида соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналарининг етук мутахассисларини жалб қилган ҳолда бирлашган илмий жамоаларни кучли илмий салоҳиятга эга бўлган кооперация кўринишидаги гуруҳлар сифатида ташкил этиб, илмий-амалий тадқиқот ва инновацион мегалойиҳаларни амалга ошириш самарали натижа беради, назаримизда.

Тўғри, Ўздавгеолқўм экспедицияларида геологик тадқиқотлар ўтказиш учун техник имкониятлар ва юқори малакали мутахассислар мавжуд. Лекин улар, биринчи навбатда, ўзларига юклатилган геология қидирувининг давлат дастури доирасида ишлайди. Инвестор буни тушунган ҳолда ўзи танлаган объектда геология қидирув ишларини сифатли ва тезкор олиб бориш имкониятига эга бўлган муқобил корхонани излаб, боши берк кўчага кириб қолади. Бу эса, ўз навбатида, таклиф қилинаётган конларнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу масалани Фанлар академияси Навоий бўлими ҳузурида давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиш таклиф қилинаётган мобиль геология разведка гуруҳи самарали ечиши мумкин.



Бундан ташқари, бу жараёнда Навоий бўлими томонидан Фанлар академияси тассаруфидаги илмий-тадқиқот институтлари лаборатория базаси ҳамда илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан бирга, янгича ёндашув сифатида айни пайтда пенсияда бўлган етук геологлар ҳамда ҳудуддаги инвесторларга таклиф қилинаётган конларнинг дастлабки тадқиқотларида иштирок этган кекса олим ва мутахассисларни жалб қилиш орқали вақтинчалик илмий жамоа кўринишидаги юқори салоҳиятга эга гуруҳни тузиш имконияти ҳам яратилади.

Бундай жамоа геология қидирув ишларининг тез, самарали, ишончли олиб борилишига ва инвесторнинг ишончини қозонишга, унинг қўрқмасдан маблағ киритишига хизмат қилади.

ХАНС КЛЮГЕ:

“ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР ДАМЛАРДА БИРДАМЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА”

Бошланиши 1-бетда

— Ҳурматли Ўзбекистон аҳли, инсоният 100 кундан буён коронавирус инфекцияси билан курашмоқда. Бугунги кунда Европа минтақаси, АҚШ пандемия ўчоғига айланиб улгурди ва бизда ташвишланиш учун жиддий асослар сақланиб қолмоқда.

Афсуски, Европа давлатлари каби Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам коронавирус аниқланиш ҳолатлари ўсишда давом этмоқда.

ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси барча миллий ташкилотлар ва муассасалар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Хусусан, мамлакатингиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бизнинг асосий ҳамкоримиздир.

Дунёнинг деярли барча мамлакатлари каби Ўзбекистон учун ҳам лаборатория реактивлари, дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва шахсий ҳимоя воситалари, беморларга ғамхўрлик қиладиган тиббиёт ходимларига талаб бор. Ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида ЖССТ Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига ёрдам беришни давом эттиради.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ёрдамни жалб қилиш ва бу борада ЖССТ ваколатини кенгайтириш бўйича таклифларини қўллаб-қувватлаймиз. COVID-19 пандемияси чегара билмайди, у дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олди.

Оғир вазиятга қарамай, Ўзбекистон бирдамликни намойиш этмоқда. Хитой, Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Венгрия, Беларусь, Россия, Озарбайжонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлади. Ишончим комилки, улар буни миннатдорлик билан эслашади.

Ушбу оғир даврда Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг онлайн тарзда ташкил қилинган навбатдан ташқари саммитида фаол иштирок этди. Унинг фаолияти натижалари билан фахрланиш мумкин — Ўзбекистоннинг барча таклифлари ушбу форумнинг якуний ҳужжатида ўз аксини топди.

ЖССТ, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ушбу минтақавий ташкилот билан ҳамкорликни ўрнатиш таклифини юқори баҳолайди.

Келаётган ҳафталар ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чоралар инфекцияни тўхтатишга имкон беришига умид қиламиз. Аммо бир зум бўлса-да, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Биз чекинмаслигимиз керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вазиятни диққат билан кузатиб бормоқда ва дунёда пандемия ривожланишига қарши курашмоқда.

Айни пайтда COVID-19 тарқалишига чек қўйиш мақсадида аҳолини текширувдан ўтказиш учун беморларни яккалаш, уларни парвариш қилиш ва бемор билан мулоқотга киришган ҳар бир инсонни кузатиш учун комплекс стратегия талаб этилади. Шу билан бирга, тиббий ёрдамга муҳтож гуруҳлар учун тиббий хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятини яратиш муҳимдир.

Бугунги кунда инфекцияга қарши курашда умумий ёндашув, жамоавий жавобгарлик ва бағрикенглик алоҳида аҳамиятга эга. Ахир, вирусни енгишда ҳеч кимнинг бепарво бўлишига ҳаққи йўқ.

Асосий вазифалардан яна бири тиббиёт ходимларини ҳимоя қилишдир. Зеро, тиббиёт ходимлари соғлиқни сақлаш тизимининг асоси бўлиб, улар кучи ҳар доим аҳамиятли.

Глобал пандемия ҳамма учун умумий хавфга айланди. Шунинг учун уни фақат биргаликдаги ҳаракатлар билан бартараф этиш мумкин.

Мен бу курашда ўзбек халқига ва барчамизга зафарлар тилаб қоламан. Ишончим комилки, биз муаммони биргаликда енга оламиз.

“Дунё” АА,
Женева

Бугуннинг гапи

ҚАЛБИДА ИШОНЧИ БОР ХАЛҚ ҚУДРАТЛИДИР



Кенгесбой КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Аллоҳга шукрки, коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият борган сари ижобий томонга ўзгариб, халқимиз муборак Рамазон ойини шукроналик ва яхши кунлар умиди билан ўтказяпти. Лекин бу бизнинг бир дақиқа ҳам огоҳликни йўқотишимизга, эътиборсизлик қилишимизга асос бўла олмайди.

Бугунги ташвишли дамларда бошимиздан ўтказган қийин замонларни эслашимизга эҳтиёж туғилади. Халқимиз эса бундай ташвишли кунларга кўп дуч келган. Лекин ҳамиша уларни мардонавор енгиб ўтган. Биргина мисол. Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирида жуда катта қатлиомларни бошимиздан ўтказганмиз. Энг сара, энг маърифатли юртдошларимиз туҳматлар билан йўқ қилинган. Лекин шундай қийин дамларда ҳам қўлни-қўлга бериб, мисли кўрилмаган мардликлар кўрсатиб, Фарғона каналини қазиган ва минг йиллар давомида қақраб ётган ерларни боғу чаманзорга айлантирган халқмиз биз.

Албатта, кимдир у замонлар билан бугунги кунларни солиштириб бўлмайди, дейиши мумкин. Лекин бу нотўғри гап. Аслида замонлар, мафкуралар ўзгаради, аммо халқ қалбидаги бунёдкорликка интилиш, меҳр-мурувват, бағрикенглик, саховат, яхшилик қилиш туйғулари ҳеч қачон йўқолмайди. Бундай туйғулар авлоддан-авлодга ўтиб яшаяпти ва яшайверади.

Юртимизда сўнгги уч йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишларни одамлар қалбидаги обод ва озод ватанни янада гўзал, унда яшаётган халқни янада фаровон қилишга интилиш натижаси, десак муболаға бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикасида, катта экологик муаммога дуч келган Орол денгизи ҳудудида юзага келган вазиятга бугун алоҳида этибор қаратилмоқда. Хароба ҳолига келиб қолган Мўйноқ шаҳрини бугун кўрганлар бугун ҳайратда:

— Бу биз кечагина кўрган, тузли бўронлар қучоғида қолган шаҳар эмас-ку!

Оролдан узоқда яшаганларга бу дард унчалик сезилмаслиги мумкин, аммо денгиз бўйида туғилиб, шу ерда вояга етганлар денгизсиз қолиш қандай йўқотиш эканини юрак-юракларидан ҳис этди. Мўйноқда яшаётган кексалар ҳамон Оролни тушларида кўриб чиқади.

Балки бир кун мўъжиза рўй бериб, денгиз қайтар, тирилар, армонлар ушалар. Аммо бугун Орол бўйларига, Мўйноққа янги ҳаёт, янги кайфият кириб келаётгани, меҳр-эътибор қайтгани ҳақиқат. Мўйноқнинг қиёфаси, салоҳияти бутунлай ўзгариб бораётгани бор гап.

Шаҳарда амалга оширилаётган ишлар нафақат мўйноқликларни, узоқ-узоқдан келган меҳмонларни ҳам ҳайратга солмоқда. Ҳайратланмай бўладими, жуда қисқа муддатда 245 ўринли маданият уйи, 1000 ўринли стадион ва 800 ўринли афмитеатр, юзлаб замонавий турар жойлар бунёд этилди. Овулларда ҳам янги тиббиёт масканлари, мактабгача таълим муассасалари, йўллар қурилмоқда, ичимлик сув, газ қувурлари тортиб келинмоқда.

Қуриган Орол денгизи тубида тўқайзорлар яратиш бўйича қилинган ишлар, туман марказидаги янгиланишлар ва ишга туширилган корхоналар ҳақида кўп ва хўб гаплар айтилган, айтилади. Аммо экологик муаммога дуч келган ҳудудни обод масканга айлантириш учун бутун бир давлат катта маблағ ва ресурсларни жалб қилиши ҳақидаги гапларни эшитсак-да, илгари кўрмаган эдик. Бугун бу ҳақиқатга айланди. Яна қуриган денгиз тубида юз минглаб гектар ерларга саксовул, қандим, қорабароқ ва шунга ўхшаш ўсимликлар уруғини экиш бундан аввал жаҳон тажрибасида учрамагани ҳақиқат.

Минглаб чақирим йўл юриб, Орол денгизининг қуриган тубига борганимда, фақат қорақалпоғистонликларгина эмас, балки бепоён ватанимизнинг барча ҳудудларидан келган ташаббускор ёшлар ва уларнинг чеҳрасидаги иштиёқ ҳамда интилишни кўрганимда халқ қалбидаги энг эзгу туйғулар, меҳр-муҳаббат, бунёдкорлик ҳали барҳаёт эканига, ҳеч қачон ўлмаслигига амин бўлдим. Яна бир нарсани англадимки, халқимиз қалбида келажакка бўлган ишонч жуда катта. У дарёларни ўзанидан чиқариб, тоғларни жойидан кўчиришга қодир! Қалбида ишонч бор халқ эса қудратлидир.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини ташкиллаштириш ташаббуси халқимиз дуч келаётган қийинчиликларни енгиш йўлида одамларни жипслаштиришга, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилишга чақиради.

Қорақалпоқларда “тўйда кўришайлик”, деган яхши гап бор. Халқимиз тўй қилиш учун манглай терини тўкиб меҳнат қилади, орзуларга интилади. Қийинчиликларни мардонавор енгиб, тўй куни кўришишнинг эса гашти бошқача. Ҳар биримизга тўйларда кўришиш насиб этсин!

Таълимда модуль-кредит тизимининг жорий этилиши, шубҳасиз, талабанинг билим даражасига жиддий таъсир кўрсатиб, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассис бўлишини таъминлайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 29 апрель, 69-сон

Қишлоқ хўжалиги

КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Зоҳиджон ЗАРИПОВ,
"Тараққиёт стратегияси" маркази лойиҳа координатори



Президентимиз раислигида шу йил 14 апрель куни глобал инқироз ва пандемия шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш вазифаси қўйилди.

Демак, бу йил мамлакат аграр соҳасида самарадорликни кескин ошириш, бу борада барча куч ва имкониятларни ишга солиш йили бўлади.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратсак. 2020 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда фермер хўжаликлари сони 92,6 мингтани, қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 27,6 мингтани, деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари сони 5 миллионтадан ортиқни ташкил этмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 3 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналари, 26,9 фоизи эса фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Энг катта улуш эса деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликларига тегишли — 70,1 фоиз.

Мазкур рақамлардан ҳозирги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш айнан томорқа эгаларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Ўз навбатида, томорқа ер участкалари орқали маҳсулотларни етиштиришда айрим муаммолар мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Биринчидан, карантин режими туфайли томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар мева-сабзавотини сотиш имконияти чекланмоқда. Бунга сабаб, аввало, (туман, шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган) марказлардаги улгуржи деҳқон бозорларига етказиб боришдаги муаммолар (автомобиллар ҳаракати чеклангани) ва истеъмолчиларнинг бозорда эмаслиги ёки маҳсулотларнинг чакана савдоси иштирокчиларининг камлигидир.

Иккинчидан, томорқа ер участкалари орқали маҳсулот етиштирувчиларнинг интеграллашмагани маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлигига сабаб бўлмоқда. Натижада мазкур ерлардан унумли ёки умуман фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда турли йўналишларга (деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, баликчилик) мослашган ва марказлашган ширкат (кооператив)лар ташкил этиш лозим;

иккинчидан, мазкур ширкатлар ўз йўналишига қараб, томорқа ер эгаларини ўзида бирлаштиради, уруғлик, ўғит, чорва учун ем-хашак ва ҳоказоларни етказиб беради ҳамда ҳосилни ҳам марказлашган ҳолда ўзи сотиб олиб, истеъмолчиларга етказади;

учинчидан, мазкур ширкатларни ташкил этишни йирик супермаркетлар, етказиб бериш хизмати билан шуғулланувчи йирик тадбиркорлик субъектларига турли рағбатлантирувчи имтиёзлар тақдим этиш орқали таклиф қилиш мумкин.

Мамлакатимиздаги бозор расталарига чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 70 фоизи айнан томорқа ер эгалари томонидан тайёрланишини ҳамда кам даромадли аҳолининг кўп қисми қишлоқ жойда истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда, мазкур чораларни амалга ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш мумкин.

Президентимиз томонидан видеоселектор йиғилишида бу каби масалаларни ҳал этиш юзасидан аниқ, манзилли чора-тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш механизмлари кўрсатиб берилгани аҳолининг озиқ-овқатга эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, экспорт салоҳиятини ҳам оширади. Коронавирус оқибати бўлган иқтисодий инқироз таъсирини юмшатишда ҳам муҳим омил бўлади.

Тадбиркор — тараққиёт таянчи

ИМТИЁЗ ВА КЎМАК ФАОЛИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Гўшт ва сут маҳсулотлари кундалик дастурхонимизнинг асосий неъматларидан бири. Ушбу маҳсулотларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугун мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, чорвадор фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли бу йўналишда кенг имтиёзлар билан қўллаб-қувватланиб, тармоқда олдинги йилларда бўлмаган рағбатлантириш механизми йўлга қўйилди.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "Promeat" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу ислоҳотлар меваси. Жамият 2018 йил февраль ойида ташкил этилган бўлиб, йирик қорамолларни кўпайтиришга, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришга ихтисослашган. Бу ерда республикада биринчилардан feedlot инновацион технологияси асосида бир вақтнинг ўзида 1500 бош йирик қорамолни боқиш имконини берувчи бўрдоқичилик фермаси фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 2019 йил декабрь ойидан 200 бош қорамолга мўлжалланган сутчилик фермаси жадал ривожлантирилди. Яқин истиқболда соғин сигирлар сонини 600 бошга етказиш учун сутчилик фермасини реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунингдек, мазкур корхона "Мастер деликатесов" МЧЖ билан ҳамкорликда 120 хил колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

— Сут ва гўшт йўналишидаги наслли қорамоллар, асосан, Украина (гольштейн) ва Чехиядан (симментал) олиб келяпмиз, — дейди "Promeat" МЧЖ бош директори У.Муталов. — Бўрдоқичилик фермасида герефорд, абердин-ангус, оқбошли каби зотдор буқалар боқилмоқда. Бугунга келиб, кунига қарийб 3 тоннадан сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириб, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги истеъмолчиларга етказиб бермоқдамиз.

Афсуски, карантин ҳолати кўплаб корхоналар фаолиятини секинлаштирди. Бундай пайтда ишни тўғри ташкил этиш орқали самарадорликни имкон қадар ушлаб туриш мумкин. "Promeat" МЧЖ томонидан санитария-эпидемиология қоидаларига риоя этилишини таъминланган ҳолда, "Telegram" мессенжери орқали етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди ва аҳолига уйидан туриб, гўшт маҳсулотлари харид қилишга имкон яратилди.

— Карантин қоидаларига барча ходимларимиз оғишмай риоя қилиб келмоқда, — дейди У.Муталов. — Гарчи гўшт маҳсулотимизнинг асосий истеъмолчилари бўлган аксарият умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини вақтинча тўхтатган, етказиб бериш хизматларини кўрсатаётган баъзиларининг реализация ҳажми камайган бўлса-да, Президентимизнинг шу йил 19 мартдаги ҳамда 3 апрелдаги коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги фармонлари бизга жуда катта кўмак бўлмоқда. Хусусан, ҳар иккала фармонга мувофиқ, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биз учун кредитлар, солиқлар ҳамда энергия ресурслари учун жорий йилнинг 1 октябригача тўланиши лозим бўлган жами 3 344,4 миллион сўм ёки ҳар ойда 557,4 миллион сўмдан айланма маблағлар сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бу каби енгилликлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, карантин шароитида мамлакатимиз аҳолисига сифатли истеъмол маҳсулотларини мақбул нархларда узлуксиз етказиб беришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тажриба

ТОМОРҚАЧИЛИК – ОИЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЯНЧИ

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
журналист

Ғурумсарой – Поп туманидаги йирик аҳоли масканларидан бири. Аҳоли азалдан деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланади.

Астойдил қилинган меҳнат ортидан келган ҳалол даромад эвазига дастурхонлари ҳамиша тўкин-сочин, турмуш даражалари эса йилдан-йилга яхшиланиб бораётир.

Асли касби устачилик бўлган Муроджон Йўлдошев енгил машиналарга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, айни пайтда пенсия ёшида. Унинг оиласи нафақат Ғурумсаройда, балки вилоят миқёсида намунали оила деган шарафли номга сазовор бўлди.

Қандай дейсизми? Сўнгги йилларда у томорқадан жуда ҳам унумли фойдаланди. Муроджон Йўлдошев биргина машина созлаш ортидан келаётган маблағ фақат рўзғорнинг қора қозонини қайнатишга етишини яхши билади. Гап шундаки, у ёшлигидан тиниб-тинчимас, уддабурон. Ишдан бўш пайтларида деҳқончилик, чорвачилик қилган ва ёш оиласи бюджетини мустаҳкамлашга одатланган.

Муроджон томорқасидаги олти сотих жойда иссиқхона ташкил этди. Иссиқхонанинг узунлиги 30 метр, энига 10 метр бўлиб, чуқурлиги уч метр келади. У ердан чиққан тупроқдан 250 минг дона ғишт қуйдириб сотди ва бундан келган даромадни иссиқхонанинг кам-кўстига сарфлади.

— Иссиқхона кони фойда экан, — дейди суҳбатдошимиз. — Олти сотих иссиқхонанинг уч сотихига бодринг, уч сотихига лимон, банан каби цитрус мевали дарахт кўчатларини ўтқазганмиз. Иссиқхонанинг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланиш мақсадида саримсоқ, картошка ва бошқа резавор экинлари жойлаштирганмиз. Улар навбатма-навбат пишиб етилади. Кундалик эҳтиёжимиздан ортганини эса деҳқон бозорига чиқариб сотамиз. Иссиқхонадан келаётган даромад, асосан, фарзандлар, набираларнинг келажагига хизмат қилмоқда. Улардан ортганига чорва ҳайвонлари сотиб олинган. Бир бош соғин сигирдан кунига камида етти-саккиз литр серқаймоқ сут, ўн бешта товуқдан эса йўқ деганида ўнта тухум олинади. Хуллас, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми ўзимизнинг томорқамизда пишиб етилади. Энг муҳими, пешана тери эвазига етиштирилган ҳар қандай маҳсулотнинг сифати ва таъми тотли бўлади.

Муроджон Йўлдошев сингари томорқа хўжалигидан унумли фойдаланадиган оилалар сафи йил сайин ортиб бормоқда. "Тошқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зокиржон Қосимов 10 сотихли томорқасининг 6 сотихига картошка, 4 сотихига яхши ниятлар билан мевали дарахт кўчатлари ўтқазган. Яна бир тадбиркор Адҳамжон Кенжаев эса маҳалла ҳудудида томорқа дўкони очиб, қўни-қўшниларнинг узоғини яқин қилмоқда. Савдо шохобчасида томорқа хўжалиги ишларини юритиш учун ҳамма нарса, яъни ҳар хил сабзавот экинлари уруғидан тортиб, оддий кетмон дастасигача бор.

Поп тумани аҳолиси ҳамда ер майдони катталиги жиҳатидан Наманган вилоятида етакчилик қилади. Туман миқёсидаги 77 та маҳалла фуқаро йиғинида 41 минг 231 та хўжалик бўлиб, улардан 36 минг 684 та хонадон эгаси ихтиёрида жами 2799 гектар шахсий томорқа ерлари мавжуд. Туман мутасаддилари берган маълумотга кўра, мавжуд томорқа ерларининг 403 гектарига картошка, 388 гектарига сабзавот, 636,9 гектарига помидор ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Уларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эл-юрт тўкинчилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мулоҳаза



ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МОДУЛЬ-КРЕДИТ ТИЗИМИ САМАРАЛИ УСУЛ, АММО...

Равшан ЖОМОНОВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари номзоди,

Давронбек ОРИПОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар туфайли халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ошди, иқтисоддаги янгиланишлар ўзининг амалий натижаларини бера бошлади. Айниқса, юрт келажагини ҳал этувчи асосий куч — ёшларга таълим ва тарбия беришнинг янги тизимлари жорий қилинмоқда. Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва ижод мактабларининг фаолияти тез орада ўз самарасини кўрсатади. Олий таълимда ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, ўқитишнинг модуль-кредит тизими асосида мутахассислар тайёрланмоқда.

Таълимда модуль-кредит тизимининг жорий этилиши, шубҳасиз, талабанинг билим даражасига жиддий таъсир кўрсатиб, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассис бўлишини таъминлайди. Аввало, коррупцион ҳолатларга чек қўяди. Бу тизимда талабанинг эркинлиги таъминланиб, ихтисослик учун зарур фанларни ўрганишга вақт ва имконият яратилади. Энг муҳими, талаба қуруқ ёдлаш — схоластика услубидан қутулиб, эркин, мустақил фикрлаш — мушоҳада этишга йўналтирилади. Пировардида жаҳон андозаларига мос ва хос мутахассислар тайёрланиб, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида юксалишга тамал тоши қўйилади, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини битирган мутахассисларнинг дипломи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам тан олинади. Буларнинг ҳаммаси қувонарли ҳол, албатта. Аммо...

Танганинг икки томони бўлганидек, назаримизда, модуль-кредит тизимининг ҳам ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш тақозо этилади. Гап шундаки, модуль-кредит тизимида ўқув режадаги ихтисосликка бевосита боғлиқ бўлмаган фанлар талабанинг ихтиёрига кўра танланади. Бу ҳолат ижобий ҳодиса бўлиб, талабадаги ижодий эркинликни таъминлайди. Бироқ шу ўринда масаланинг нозик бир нуқталарини ҳисобга олиш лозим бўлади. Масалан, аграр, тиббиёт, молия-иқтисодиёт, техника ёки ҳарбий соҳаларда таҳсил олаётган талабалар "Ўзбек тили ва адабиёти", "Ўзбекистон тарихи", "Маънавият ва маърифат асослари" каби фанларни ўз ихтиёри билан танлармикан? Чунки кўплаб талабаларда тахминан мана бундай қараш мавжуд: "Мен ўзбекман, ўзбек тилини амалий жиҳатдан яхши биламан, ўрта мактаб ва коллежда етарли даражада ўргандим, оилада, маҳалла-кўйда ўзбек тилида мулоқот қиламан — шунинг ўзи етарли".

Аслида ҳам шундайми? Биз ўз педагогик тажрибамиздан келиб чиқиб айтамизки, она тили ва адабиётини, халқ тарихини, унинг маданияти ва маънавиятини ўрганиш фақат муайян бир давр билан чегараланиб қолмайди. Чунки ҳар куни тилимизнинг луғат таркибида, адабий жараёнда бирор ўзгариш рўй беради, тарихимиз зарварақларига нимадир битилади, миллий маънавиятда қандайдир ўзгариш содир бўлади. Демак, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мазкур фанларни мунтазам ўрганиб боришни, ундан тегишли хулосалар чиқариб, амалиётга татбиқ этишни тақозо этади. Буни Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги фармонидаги "Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилиши табиийдир", деган сўзлар тасдиқлаб турибди.

Ҳазрат Навоийда "Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам" деган пурҳикмат сатрлар бор. Яратганга шукрлар бўлсинки, биз ўзини англаган, дунё тамаддунига асрлар давомида бебаҳо ҳисса қўшиб келаётган юрт вакилларимиз. Шундай экан, таълимнинг модуль-кредит тизимини жорий этишда ҳам халқимизнинг тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, "етти ўлчаб, бир кесишимиз", миллий-маданий меросга дахлдор фанларни ўқитишга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишимиз фойдадан холи бўлмайди. Масалан, кўпгина давлатларда фуқароликка қабул қилишда давлат тилини билиш муҳим талаблардан биридир. Мансабдор шахслардан эса нафақат давлат тилини, балки мамлакат тарихини билиш, миллий адабиёт ва санъатини тушуниш ҳам талаб этилади.

Бизнингча, ҳозирги шароитда ҳар қандай масаланинг оқилона ечимини топиш мумкин. Жумладан, таълимда модуль-кредит тизимини жорий этишда ҳам миллий манфаатлар ҳисобга олиниши лозим. Ушбу муаммони Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги махсус ўрганиб чиқиб, тегишли тавсиялар бериши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқий асос мавжуд. Бинобарин, юқорида қайд этилган фармонда Вазирлар Маҳкамаси зиммасига мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш вазифаси юклатилган.

Шундай экан, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда миллат келажагини, юрт истиқболини белгилаб берувчи таълимнинг модуль-кредит тизимида ҳам она тили, миллий адабиёт, халқимиз тарихи, маданияти ва маънавияти билан боғлиқ фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлат дастури доирасида



Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳамиша катта маблағ талаб этиб келган. Бепул тиббий хизмат аслида нисбий тушунча. Чунки фуқаро бепул даволанаётган давлатта тегишли тиббий муассаса харажатларини ҳукумат тўлайди. Аксарият давлатларда тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш учун маблағ жалб этиш манбалари турлича бўлиб, улардан бири суғурта тизимидир.

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА

ТИББИЁТДАГИ ҚАЙСИ МУАММОЛАРГА ЧЕК ҚЎЯДИ?

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда унинг асосида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда тиббий суғурта тартибини жорий этиш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Ҳужжатга кўра, Ўзбекистонда 2021 йил 1 январдан бошлаб мажбурий тиббий суғурталаш босқичма-босқич амалга оширилади. Шунингдек, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда мазкур концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Қолаверса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам жорий йил охирига қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишга тайёргарлик якунига етказилиб, келгуси йилдан ушбу тизим тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида апробациядан ўтказилиши қайд этилган.

Ҳозир пандемияга қарши кураш барчанинг диққат марказида бўлиб турибди. Бу инфекциянинг юртимизда қайд этилишига қадар ва у билан кураш бошланган даврда ҳам мажбурий тиббий суғуртани жорий этишга тайёргарлик жараёни тўхтагани йўқ. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида тегишли миллий ва халқаро ташкилотлар, илм-фан муассасалари, малакали экспертлар билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Ушбу ҳамкорлик натижасида "Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Вазирликнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими маълумотига кўра, мамлакатимизда бу йўналишдаги қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш жараёнида жаҳонда шаклланган моделлар пухта ва атрофлича ўрганилди. Қайд этилишича, бу жараёнда 14 та давлат (Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Франция, Германия, Норвегия, Эстония, Латвия, Исроил, Туркия, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон, Қирғизистон) тажрибасига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, миллий хусусиятларимиз ҳам ҳар томонлама таҳлил этилди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бандлик даражалари, солиқ ставкалари, ойлик даромадлар ўрганилиб, мажбурий тиббий суғуртанинг ҳозирги кунда оптимал ва ижобий баҳоланиб келинаётган бюджет модели танлаб олинди.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ЖАЛБ ЭТИЛГАН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюген жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, жумладан, мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни эътироф этди.

Ханс Клюге ўзаро мулоқотларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари кўмагида тиббий хизматларнинг янги моделлари бўйича бошланган қўшма пилот лойиҳани тўлиқ жорий этишда ҳар томонлама амалий кўмак беришга тайёр эканини билдирди. Ушбу амалиёт бутун мамлакатимиз бўйлаб босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилади.

Ушбу учрашувда нафақат мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш, балки тиббиёт соҳасини молиялаштириш жараёнини такомиллаштириш, замонавий бошқарув тизими ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг кластер моделини шакллантириш, соҳани рақамлаштириш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини янада кучайтириш борасида ҳам ЖССТ Европа минтақавий бюроси билан давомли ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Мамлакатимиз бўйлаб карантин ҳолати эълон қилинишидан олдин эса тажриба-синов тариқасида объект сифатида танланган Сирдарё вилоятидаги шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида янги суғурта тизими ва уни татбиқ этишга бағишланган қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Ушбу лойиҳани ишга тушириш мақсадида туркиялик ва германиялик мутахассислар билан ўзаро келишувлар имзоланди.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИНГ ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Маълумотларга кўра, Жанубий Кореяда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш учун қирқ йил вақт кетган. Айни пайтда бу мамлакат дунёда тиббий туризм ривожланган 10 та энг илғор давлат сафида. Миллий тиббий суғурта тизими ва тиббиётнинг ривожланиши бўйича эса дунёда 4-ўринни эгаллайди. Эътиборлиси, тиббий суғурта соҳасида улар яратган ноёб тизим айни пайтда жаҳоннинг кўплаб давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан жиддий қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мамлакатдаги тиббий суғурта тизими халқаро тамойилларга жавоб берган ҳолда давлатнинг нарх сиёсатига монанд такомиллашиши билан халқаро стандартларга тўла жавоб беради ва аҳолининг барча қатламлари манфаатини ифода этади. Жанубий Кореяда тиббий суғуртанинг 3 та тури мавжуд: давлат, хайрия, олдиндан ва узоқ муддатга суғурталаш дастурлари. Давлат тиббий суғурта дастури мамлакат аҳолисининг қарийб 95-96 фоизини қамраб олган. Хайрия суғурта дастури эса, асосан, кам таъминланган ва ишсиз фуқароларга қаратилган. Тиббий суғурта учун ишлаётган фуқаронинг йиллик ёки ойлик маошидан 5 фоизи ушлаб қолинади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

Юртимизда мажбурий тиббий суғурта тизими 2021 йилдан босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилганини юқорида қайд этдик. Биринчи босқичда суғурта тизимини Сирдарё вилоятининг барча туманларида жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур вилоятдаги тиббиёт муассасаларида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари билан шартнома тизими, кафолатланган тиббий хизмат ҳажми ҳамда жон бошига ва ҳар бир даволанган шахс учун тўлов тизимини яратиш белгиланган.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган пандемия сабаб юртимизда жорий этилган карантин чора-тадбирлари барча соҳаларда олиб борилаётган ишлар кўламини бир муддат бўлса-да, секинлаштирди, — дейди Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Ғулом Примов. — Шунга қарамай, бу синовли кунлардан тўғри хулоса чиқариб, аниқ, белгиланган режа ва топшириқларни карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, масофа сақлаб бажаришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг қуйи бўғинларида суғурта тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар бажарилаётгани вилоятнинг ютуғи ҳисобланади. Суғурталаш тизими бизга нима беради? Биринчидан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўлами янада ошади. Иккинчидан, хавфли касалликларга чалиниш эҳтимоли камайиб, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш имконини беради. Учинчидан, суғурта бозори ривожланади. Қолаверса, тез тиббий ёрдам тизимининг транспорт, барча тиббиёт муассасаларининг дори-дармон билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланади. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари босқичма-босқич оширилади.

Мажбурий тиббий суғурта уч босқичда амалга оширилиб, биринчи босқичда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги барча тиббиёт муассасаларида электрон карталар жорий этилади. Электрон поликлиникалар ишга туширилади. Иккинчи босқич 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида, учинчи босқич 2025 йилдан бутун мамлакатни қамраб олади.

ПУЛ УНДИРИЛАДИМИ?

— Таклиф этилаётган мажбурий тиббий суғуртада аҳолидан мажбурий равишда пул йиғиладими, бу орқали тиббиётни муаммолар гирдобига ғарқ қилиб қўймаймизми, бугунги кунда бунга тайёрмизми каби саволлар кўпчиликни ўйлантириши табиий, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комилжон Эрназаров. — Бу тизимда аҳолидан умуман пул йиғилмайди, балки барча харажатлар ташкил этилаётган жамғарма ҳисобидан амалга оширилади. Яъни Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилади. Уни давлат бюджети маблағлари билан бирга, инсон соғлиғига зарар келтирувчи (тамаки, алкоголь, шакар ва ёғ миқдори кўп бўлган) маҳсулотларга қўлланадиган акциз солиқлари ҳамда экологияга зарар етказувчи корхоналардан олинадиган ажратмалар ҳисобидан молиялаштириш таклифи илгари сурилмоқда. Суғурталанган шахсларга аккредитациядан ўтган, давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаси бўлишидан қатъи назар, ўзи хоҳлаган муассасага мурожаат қилиш имкониятини яратиш назарда тутилмоқда.

Жорий қилинаётган мажбурий тиббий суғурта давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ўртасида ҳар бир мижоз учун рақобатнинг кучайишига хизмат қилади. Сабаби, у беморни битта тиббий муассасага боғлаб қўймайди. Агар фуқаронинг қўлида тиббий суғурта полиси бўлса, мамлакатдаги ўзи хоҳлаган клиникада даволаниши, ўзи истаган шифокордан тиббий маслаҳат олиши мумкин. Хасталик бўйича қайси шифо масканига мурожаат қилиш, врач қабулига ёзилиш, мутахассис ёзиб берган дориларни топиш каби масалаларга ҳам осон ечим топилади. Энг асосийси, фуқароларда сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш учун зарур пул жамғармалари пайдо бўлади.

Сўраган эдингиз



КОРОНАВИРУС ОДДИЙ МИКРОБ ЁХУД БАКТЕРИЯ ЭМАС, ШУНИ АСЛО УНУТМАНГ!

Эгамберди ЭШБОЕВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази профессори, тиббиёт фанлари доктори, микробиолог

Айни пайтда бутун дунёда ва юртимизда кузатилаётган коронавирус пандемияси ҳақида интернет тармоқларида турли-туман маълумотлар бериляпти. Рости гап, уларнинг қай бири ишончли эканини фарқлаш ёки англаш қийин кечяпти. Шу ҳақда газетада соҳа мутахассисларининг содда ва илмий асосланган фикр-мулоҳазалари мунтазам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дилбар ФАЙЗИЕВА.
Тошкент шаҳри.

Шу кунларда кўпчиликда вируслар ўзи нима, улар қаердан пайдо бўлади, микроблардан нимаси билан фарқ қилади, бу балони қандай даф қилиш мумкин, деган саволлар пайдо бўлиши табиий. "Вирус" сўзи лотинчадан олинган бўлиб, "заҳар" деган маънони англатади. У микроблардан фарқли равишда ҳужайра тузилишига эга бўлмаган кичик заррадир. Вируслар, асосан, шарсимон (грипп, қизамиқ, тепки қўзғатувчи вируслар), таёқчасимон ва кубсимон кўринишда бўлади. Жуда кичик бўлгани учун оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Ҳатто уларни тиббиёт муассасалари лабораторияларидаги микроскоплар орқали ҳам кўришнинг иложи йўқ. Фақат 50–100 минг баробар катталикда кўрсата оладиган электрон микроскопда, махсус ишлов берилган препаратлар воситасида кўриш мумкин. Уларнинг катталиги 20 нанометрдан 350 нанометргача етади. Вируслар микробларга қараганда анча кичик. Тахминларга қараганда, вируслар миллион йиллар аввал одам, ҳайвон ёки ҳашарот ҳужайралари элементларидан ҳосил бўлиб, кейинчалик мустақил тирик заррачаларга айланган. Кўп ирсий ва таркибий компонентлари тирик организм ҳужайралари элементларига ўхшайди.

Вируслар фақат тирик организм (умуртқалилар, ҳашаротлар ва ўсимликлар) ҳужайралари ичида кўпаяди, ундан ташқарида яшай олмайди. Ҳайратланарлиси, вируслар ҳатто замбуруғ ва бактерияларнинг ичида ҳам бемалол кўпайиб, уларга қирғин келтириши мумкин. Улар барча тирик заррачалар орасида энг кичиги саналади ва ўзи алоҳида яшай олмайди. Чунки ўзига керакли оқсил, аминокислота ва ферментларни синтез қилиш хусусиятига эга эмас. Содда қилиб айтганда, ўзига зарур бўлган энергия, озуқани ўзганинг ҳисобидан олади. Вируслар бу дунёда ўзгалар ҳисобидан яшайдиган энг кичик паразит саналади.

Тўлиқ шаклланган вирус заррачаси "вирион" деб аталади. У ички нуклеин кислота ва ташқи қобиқ (капсид)дан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, унинг ичида нуклеин кислоталаридан фақат биттаси: ДНК ёки РНК бўлади. Улар гуруҳларга фақат мана шу хусусияти асосида ажратилади. Коронавируснинг ички нуклеин кислотаси, ташқариси, қобиғи эса оқсиллардан иборат. Ундаги оқсил заррачалари доимо бошқа ҳужайра ичига кириб олиш пайида бўлади. Акс ҳолатда ҳалок бўлиши мумкин. Коронавирус бактериал фильтрдан бемалол ўта олади. Микроблар эса, аксинча, ушланиб қолади. Лекин бундан коронавирус биз ҳозир тақиб юрган ниқобдан ўтиб кетар экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Йўқ, ундай эмас. Улар одам аксирган ёки йўталганида оғиз ва бурун шиллиғи таркибида бўлади. Вирус анча қалин, яъни 4-5 қаватли докадан ўтолмайди. Лекин ниқоб 3-4 соат тақиб юрилса, ундаги намлик миқдори ошиб кетади. Бундай пайтда, биринчидан, одамнинг нафас олиши қийинлашади. Иккинчидан, ниқоб ташлаб юборилганида ҳам вируслар токи у қуригунича тирик ҳолда бўлади.

Ҳозирги кунда бутун дунёни таҳликага солаётган коронавируснинг авлодлари фанга одамнинг респиратор коронавируси (ОРКВ) номи билан маълум. Дастлабки тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу вируснинг айрим хусусиятлари ўткир респиратор касалликларни (ОРЗ) чақирадиган бошқа вирусларга мос келмайди, деган хулосага келинган. Чунки у тажрибада товуқ тухуми эмбрионида яхши ўсмаган. Кейинчалик эса бу вируслар одам эмбрионининг трахея ва бронхларидан олинган тўқималарида мукаммал ўсиши маълум бўлди. Дарҳақиқат, коронавирус инсоннинг бурун, томоқ, ҳалқум ва бронх, айниқса, ўпка ҳужайраларини хуш кўради ва шу жойларда кўпайиб, оғир касалликлар (зотилжам), пневмония қўзғатади. Вируслар уларга ҳаво-томчи йўли билан юқиши эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Коронавирус қайнатилганда бир зумда ўлади, ташқи муҳитга чидамсиз. Унинг чидамлилиги ташқи ҳарорат билан чамбарчас боғлиқ: 20 даража совуқда узоқ вақт сақланади. Эфир, спирт, этанол каби эритувчи моддалар, ультрабинафша нурлар, нордон ва ишқорли маҳсулотлар таъсирига чидамсиз. Демак, оддий кирсовундан бемалол фойдаланса бўлади. Вируслар юқори ва қуруқ қуёш ҳароратига ҳам дош бериши қийин. Шу боис, коронавирус инфекциялари, асосан, куз, қиш ва баҳорнинг салқин ойларида эпидемияга айланади.

Одамдаги коронавирус ультрабинафша нурлар, бактерецоид лампалар таъсирида 10-12 минутда ҳалок бўлади. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан ҳаво намлигига ҳам боғлиқ. Уларнинг ўлиш жараёни 25–35 даража қуруқ иссиқликдан сўнг ошиб бораверади. Ҳозир мамлакатимизда олиб борилаётган дезинфекция ишлари, айниқса, одамларнинг бир ярим-икки метр масофа сақлашлари ва ниқоб тақиб юришлари инфекцион жараённи кескин камайтиради. Касаллик манбаи бўлган бемор ва у билан мулоқотда бўлганларни карантинга олиш касаллик кенг тарқалиб кетишининг олдини олади.

Албатта, техника, тиббиёт ва иқтисодиёт ривожланган XXI асрда коронавирус инфекциясининг пандемия ҳолатигача етиб келиши жуда ачинарли ҳолат. Тан олиш керак, дунё миқёсида инфекция, вирус, микробиология, қолаверса, эпидемиология соҳаларига эътибор бироз сусайди. Устига-устак, миграцияни оддий бир ҳолат деб тушунадиган бўлиб қолдик. Оқибати эса ҳаммага маълум.

Ҳар қандай касалликка қарши курашиш учун, энг аввало, унинг қўзғатувчисини яхши билишимиз керак. Биз кўзга кўринмайдиган энг айёр заррачалар билан курашяпмиз. Улар гапирмайди, мақсад-муддаосини билдирмайди. Айёрлиги шундаки, одамдан-одамга овқат билан эмас, ҳаво-томчи орқали юқади. Вируслар гарчи кўз илғамас заррачадек бўлса-да, лекин қаерда, қайси организмда бўлганини бир умр эслаб қолади. Ирсий ахборотни сақлаб қолиш бўйича (РНКда сақлайди) дунёда уларга тенг келадиган мавжудот йўқ. Уларда ҳатто тузувчи ва идора қилувчи генлар мавжуд. Вируслардаги оқсиллар 20 та аминокислота занжиридан тузилган. Бош қисмида С аминокислотаси мавжуд бўлса, охирида N аминогуруҳи жойлашган. Вирус бўлиниши ва кўпайиши учун, албатта, одам ҳужайрасига кириши, ўзининг паразитлигини намоён қилиши керак. Лекин одам ҳужайраси аминогуруҳ занжирини уза олмайди.

Коронавирус фақат тирик организм ҳужайрасида кўпаяди. Микроблар юзга бўлинган муддат ичида вируслар миллион, бир-икки кун давомида эса миллиард маротаба кўпайиш хусусиятига эга. Бактерия-



Вируслар ҳам бегоналигини билдирмай, ўзига керакли тўнни одам организмидаги ҳужайралардан олади. Шу боис, касаллик ҳар бир давлатда ўзига хос кечмоқда. Зарарланиш даражаси ҳам ҳар хил.

лар икки-учга бўлиниш йўли билан кўпаяди. Коронавирус эса организмга кириб олганидан сўнг кодланган ахборот йўсинида, асосан, унинг таркибий қисми алоҳида-алоҳида синтез қилинади.

Коронавирус аввал ҳужайрага сўрилади, кейин унинг ичига киради. Бунда унга тождор таёқчалари ёрдам беради. Яъни бу таёқчалар сезиш вазифасини бажаради. Коронавирус ўзига мойил ҳужайраларни шу тариқа излаб топади.

Вируснинг ташқи қобиғи ва одам ҳужайраси мембранаси бир-бирига ёпишади. У ҳужайра ичида коронавирус ташқи қобиғидан айрилади, яъни "ечинади". Коронавирус шу тариқа ўзининг паразит хусусиятини фаоллаштиради. Ҳужайраларга таъсир қилиб, уларга қаттиқ зарар етказади. Битта вирус заррачаси бир циклда 1000, 3 та циклда эса 10 миллион марта кўпаяди. Коронавирус "ечинган" қобиғини энди одам ҳужайраси оқсили ҳисобига тўлдириб олади. Бунинг оқибатида зарарланган ҳужайралар уни танимайди ва қаршилик кўрсатиш қобилиятини мутлақо йўқотади. Вируслар кейинчалик ўлган ҳужайраларни ташлаб, янгисига ўтиб олади.

Вируслар ҳам бегоналигини билдирмай, ўзига керакли тўнни одам организмидаги ҳужайралардан олади. Шу боис, касаллик ҳар бир давлатда ўзига хос кечмоқда. Зарарланиш даражаси ҳам ҳар хил. Бу кичкина ва айёр коронавирус билан олишиш жуда катта матонат ва сабрни талаб қилади.

Токи, ушбу заҳарли майда заррачаларнинг ўзига хос хусусиятини билмас эканмиз, улар билан курашиш қийин кечади. Вирусларнинг ранги, тили йўқ. Улар бешафқат, зимдан туриб ҳужум қилади. Шундай экан, карантин тартиб-қоидаларига амал қилайлик. Имкони борича уйда қолайлик. Ниқоб тутайлик ва вақтинча бир-биримиздан 1,5-2 метр масофада бўлайлик. Ана шундагина биз уни, албатта, енгамиз.

Ўлкадаги асосий омманинг орзу-умидлари мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш, мустақил демократик миллий давлат барпо этиш, асрий урф-одатлар, анъаналар, диний эътиқоднинг сақланиб қолишидан иборат эди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 29 апрель, 69-сон

Мозий — ҳақиқатнинг тарозусидир



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ХАЙРЛИ АМАЛДИР

Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори ўринбосари

Президентимизнинг ўтган йили сентябрь ойида имзолаган фармонида давлат архивларида сақланаётган ва 1917 йилгача бўлган тарихий давр архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш белгиланган. Айни пайтда архивларда изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар аввалари танишиш мумкин бўлмаган кўплаб ҳужжатларни ўрганмоқда. Жумладан, таниқли драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижодига оид ҳали очиқланмаган маълумотлар ҳам бирин-кетин юзага чиқмоқда.

Мозий ишларига назар ташлар эканмиз, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида муайян ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида Туркистон маърифатпарварлари, уламолар орасида вужудга келган, тарихий манбаларда "жадидлар" ва "қадимчилар" деб ном олган икки гуруҳга бўлган муносабати эътиборга моликдек кўринади.

"Қадимчилар" ғоясига кўра, шариат миллий-анъанавий қадриятларни сақловчи восита бўлган. Бундай ёндашувни баъзи жадид намояндалари қарашларида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, айни пайтда айрим жадидлар ҳам ўз фаолиятларини шариатдан четга чиққан ҳолда тасаввур этган эмаслар.

Масалан, жадидлар маиший турмушни, миллий урф-одатларни ислоҳ қилиш борасида талайгина ишларни амалга оширганлар ва бунда ислом дини ва шариат аҳкомларига таянганлар. Хусусан, турли маросимлардаги дабдабабозлик ва исрофгарчиликларни кескин танқид қилдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий "Ойина" журналининг 1913 йил 6-7-сонларидаги "Аъмолимиз ёинки муродимиз" мақоласида мусулмонларни Қуръони каримнинг "Аъроф" сурасидаги 31-оят — "Кулу ва ишрабу ва ло тусрифу"га риоя қилган ҳолда исрофгарчиликка йўл қўймасликка чақиради. "Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб (кисқа фурсатда) овропойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар", дейди.

Шу билан бирга, Беҳбудий мусулмонлар барча нарсани шариат қолипига солиб, илм ва тараққиётда бошқа халқларга нисбатан анча ортда қолиб кетганликларидан изтиробга тушади. Самарқанд муфтийси бўлган Беҳбудий ислом ақидалари ҳамда шариат қонунларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, мусулмонларга зуғум қилаётган баъзи эшон ва муллалар, "қадимчилар" ёки қўштирноқ ичидаги уламоларни қаттиқ қоралайди. Ҳақиқий уламо барча мусулмонлар ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи ижтимоий куч бўлиши керак, деб ҳисоблайди. "Уламолар ва ҳар бир миллатнинг ақлий меҳнат билан шуғулланувчи шахслари, — деб ёзган эди Беҳбудий, — ўз миллатларининг келажакдаги йўлини кўрсатиб беришлари, маслаҳатлар беришлари, урф-одатлар ислоҳоти учун масжидларда ваъз-насиҳатлар қилишлари, мактаб ва мадрасаларда бу дунё ва охиратда керакли бўлган илмларни ўргатишлари, газета ва китоблар ёрдамида миллатни қай тарзда бой қилиш тўғрисида мулоҳаза ва мубоҳасалар қилишлари керак".

Беҳбудий ўзининг деярли барча ижтимоий-сиёсий, илмий, диний-маърифий чиқишлари(китоблар, дарсликлари, мақолалари)да миллатни, айниқса, ёшларни янги, замонавий илмларни эгаллашга ундайди. Том маънодаги маърифатпарвар, зиёлига хос одоб билан "қадимчи" ёки "анъаначи" уламоларнинг нафақат диний, балки дунёвий илмлардан бохабар бўлишлари зарурлигини уқтиради. Янги илмдан бебаҳра уламолар ҳам фаръий (иккинчи даражали) ва сатҳий — чуқур ўйламай ўзи каби ноқилларни (нақл қилувчи, демоқчи) ёмон кўриб, ёмон кўз ила қарашлари ноўрин эканлигини таъкидлайди (Мунтахаби жуғрофия, 1-жилд. 1905 йил).

Беҳбудийнинг 1905 йилда нашр этилган "Мунтахаби жуғрофия" дарслиги 1-жилди "Янги ҳукамоларнинг сўзидан намуна" бўлимидаги фикрлар унинг "жадид" ва "қадим"га бўлган муносабатларини яққол ифодалайди. Жумладан, у бундай ёзади: "...ҳайъати жуғрофий ҳикмати табийия ва казо-казони билатургон ёшларимиз, ҳақиқати исломдан бехабарларимиз эски афсоналарни мусулмон китобларига кўруб мусулмон китобларидан эътиқодлари бўшайдур. Кейинги вақтға шундай кам эътиқод ёшларимиз тез кўзға кўринадур. Эмди бунга бир даво — чора лозимдур. Эй азиз эски ва янгилар, бир-бирингиздан хабар олмоқ ва фикрингиз, илмингиз, иштибоҳингизни айтмоқ, эшитмоқ, дардингиз давосига чора ахтармоқингиз лозимдур ва илло бу ҳолат ила биз кундан-кун, зоҳиран ва ботинан кейин қолурмиз. Кошки фақат ўзимиз кейин қолсак, балки аҳкоми диниямиз ҳақи, бири-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ Худонинг нафъиға, дин ва миллат йўлиға хизмат этингиз" (Муҳтарам самарқандийларға холисона арз, "Ҳуррият" газетаси. 1917 й. 13 май).

Бир мақсад йўлида кураш олиб бораётган миллат зиёлиларининг жадид ва қадимчилар гуруҳларига ажралиши эрк ва озодлик учун бўлган курашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиш муқаррарлигини чуқур англаб етган Маҳмудхўжа Беҳбудий: "...Туркистон мусулмонлари, Россиядан ажралмаган ҳолда қадимчилар ва жадидлар ўртасидаги зиддият ва ихтилофларимизни тугатиб, бирлашмоғимиз лозим... агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ислоҳотлар ва иттифоққа интилсак, зиёлилар ва тараққийпарвар шахслар қатъиян қоралаганлар.

Ўлкадаги асосий омманинг орзу-умидлари мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш, мустақил демократик миллий давлат барпо этиш, асрий урф-одатлар, анъаналар, диний эътиқоднинг сақланиб қолишидан иборат эди. Айнан мазкур мақсадларга эришмоқ учун ўлкадаги барча миллатпарвар кучлар бир ёқадан бош чиқариши, бирлашиши даркор эди. Бу Беҳбудийнинг чиқишларида ҳам ўз ифодасини топди: "Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағниё (бойлар)! Эй ғайратли ёшлар! Нифоқ ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо ҳақи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қорнини тўйғазолмайтургон етим ва бевалар

Ҳар қандай диний эътиқод инкор қилинган ва ман этилган социалистик жамиятда диний уламо жоҳил, диндорлар эса жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин этилди. Жадидчилик "маҳаллий буржуазиянинг миллатчилик, пантуркистик ғояларини ўзида мужассамлаштирган "мафкура" сифатида қораланган бўлса, "қадимчилик" ёки қайд этганимиздек "анъаначилик" жаҳолат ва диний мутаассибликни, феодализмнинг оғир асоратларини ўзида ифода этган оқим сифатида баҳоланди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Ватанимиз тарихини бирламчи манбаларга таянган ҳолда ҳаққоний ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Тарихимиз саҳифаларидаги турли жараёнларга, воқеа-ҳодисаларга ўз миллий мафкурамиз нуқтаи назаридан ёндашила бошланди.

Жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракати сифатида талқин қилинди, миллий ва диний қадриятларимиз тикланди. Уламолар эса яна халқимиз орасида ўзининг муносиб мавқеини эгаллади.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари интилинаётган бугунги кунда эса Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари басирати кучли, чин миллатпарвар, ўзининг илми, маънавий поклиги, гўзал ахлоқи, комил эътиқоди билан шонли тарихимизда ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ибратомуз ҳаёти ва меросини ўрганиш, шубҳасиз, энг зарур ва хайрли амалдир.

Ғалабанинг 75 йиллигига

Она Ватанимизнинг осойишталиги, унинг ҳур истиқболи, шаъни ва шавкати йўлида жонини фидо этганларни ХОТИРЛАШ, бугунги кунда қарилик гаштини суриб, нуронийлар сафини тўлдириб юрган, ёшларимизга ҳар томонлама ибрат тимсоли бўлиб келаётган, жанггоҳларда қаҳрамонлик, меҳнат жабҳаларида фаоллик кўрсатган фахрийларимизни ҚАДРЛАШ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ



Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

ТАНИШ ҚИЁФА

Ишонсангиз, суратлар ҳам сўйлар экан. Чеҳрасидан шижоат ва нур ёғилиб турган бу инсон сурати тарихдан сўзлайди. Икки кўкси ордену медалларга тўла, юз-кўзида ўтган ҳаётидан, қилган савобли ва хайрли ишларидан мамнунлик ифодаси уриб турган бу сурат соҳибининг умр йўли шунчаки осон кечмаганини, бургут нигоҳ кўзларидаги жасорат ва матонат, нурли юзидан ўктамликни сезиш қийин эмас. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бурҳон Сирожиддиновнинг қўлимиздаги суратига қараб, кўнглимиздан шу ўйлар кечди.

Генералликни орзу қилмаган аскар аскар эмас, дейишади. Эҳтимол, Бурҳон ака болалигида генерал бўлишни орзу қилмагандир, аммо тақдир тақозоси билан ҳарбийлар сафига қўшилгач, генерал унвони-ю ҳарбий либос — мундирига ҳавас билан қараган бўлса ажаб эмас. У 1939 йилда тенгдошлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди ва шу билан унинг ҳаёти машъум уруш йилларида ҳарбийликка уланиб кетди. Қарийб ярим асрлик умрини мамлакатимиз мудофааси қудратини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларимиз муҳофазасини таъминлашдек масъулиятли касбга бағишлаган Бурҳон Сирожиддинов Ростов-Дон полк артиллерия олий мактабида ўқигач, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди, генерал-лейтенант унвонига эришди.

ДОЛҒАЛИ ЙИЛЛАР

Айни навқирон йигитлик даври жанггоҳларда кечган Бурҳон ака 1941-45 йилларда офицер-артиллериячи сифатида взвод, рота ва дивизияларда командирлик қилди, разведка бригадаси штаби бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритди.

Оддий аскарликдан генерал-лейтенантгача бўлган жанговар ва шонли йўлни босиб ўтган қаҳрамонимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ғарбий фронт, 2-Беларусь фронтларида жанг қилди, Польша ва Шарқий Пруссияни гитлерчилардан озод этишда фаол қатнашди. У душман устидан қозонилган ғалабани армия майори унвони билан кутиб олди. Шундан сўнг 1953 йилда Коломна шаҳридаги Қизил армия офицерлар олий артиллерия мактабини ҳамда Москва ҳарбий билим юртини муваффақиятли тугатди.

Табиийки, уруш давридаёқ қўмондонликнинг буйруғи билан офицерлик мақомига эришиш осон бўлмаган. Бу, шубҳасиз, ҳақиқий хизмат қилган жангчининг ҳарбий маҳорати, ватанпарварлигидан далолатдир.

Жангу жадалларда тобланиб, фронт исканжасидан эсон-омон чиқиб жанговар тажриба орттирган Бурҳон Сирожиддинов урушдан кейинги тикланиш йилларида қатъиятлилигини йўқотмади, мудофаа қудратини мустаҳкамлашда фидойилик билан хизмат қилди.

ТИКЛАНИШ ДАВРИ

Унинг учун Ватан ҳимояси, фуқаро муҳофазаси тинч йилларда ҳам муҳим эди. Бурҳон ака аввалига республика ИИВ офицерлар мактабида ўқитувчилик қилиб, ёшларга ўз билим ва тажрибасини ўргатди. Сўнгра ДХҚ ҳарбий институтини тамомлагач, республика ҳаво ҳужумидан мудофаа штаби бошлиғи бўлди. Бурҳон аканинг ўз касбига содиқлиги, ҳар қандай вазифага масъулият билан ёндашиб, сидқидилдан адо этиши унинг ўзига хос фазилатларидан эди.

Йигирма йилдан ортиқ Ички ишлар вазирлигининг Марказий Осиё республикаларидаги ички қўшинлари бирлашмасига қўмондонлик қилди. Унинг юртимиз аҳолиси тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасидаги хизматлари беқиёс бўлди. Б.Сирожиддинов Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Олмалиқ ва Бекобод каби шаҳарларнинг бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшди.

ЖАМОАТ ИШЛАРИ

Шундай инсонлар борки, ўзгаларнинг дардини ўз дарди деб билади, эл-юрти, халқи учун ҳамиша хизматга шай туради. Бурҳон Сирожиддинов ана шундай инсонлар тоифасидан эди. У бир неча марта халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига сайланди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва уруш фахрийлари қўмитасига раислик қилди. Кўп йиллар Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши раиси сифатида ёш ходимларни она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига бош-қош бўлди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Бурҳон Сирожиддинов ўзининг ҳалол меҳнати билан эл-юрт ишончини қозона олган ва меҳрига сазовор бўлган.

Бурҳон аканинг заҳматли хизматлари бесамар кетмади. Унинг фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Иккинчи жаҳон урушининг жанговар орден-медаллари, мустақиллик йилларида Ватан олдидаги шарафли хизматлари учун бир қанча давлат мукофотлари билан тақдирланган. Гап ордену медаль, унвонларда эмас, ҳақиқий унвон элнинг меҳри ва эътиборини қозонишдир. Ана шу маънода Бурҳон ака эл-юрт назарига тушган чинакам инсон эди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Бурҳон Сирожиддиновнинг эзгу ишлари, анъаналарини унинг фарзандлари, набиралари, қолаверса, шогирдлари давом эттираётир.

— Бурҳон ака узоқ йиллар бизнинг соҳамизга раҳбарлик қилган. Ажойиб устоз, ғамхўр инсон эди, — дея хотирлайди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фахрийлар марказий кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Эргаш Икромов. — У кишининг малакали ёш кадрлар тайёрлаш борасида хизматлари жуда катта. Айни пайтда Бурҳон Ҳасановичнинг юзлаб шогирдлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларида халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, ҳудудларимиз хавфсизлиги учун сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Ҳа, бир-бирини қувиб йиллар ўтиб бораверади. Фидойилик, яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Ҳар бир кунимиз, ойу йилимиз ўлмас тарихимизнинг олтин зарварақларига муҳрланаверади. Шу боис, ўзидан ўчмас из қолдирган бундай инсонларни ҳозирги авлод ҳамиша эъзоз ва ардоқ билан хотирлайди, фахр ва ғурур билан тилга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қатор тадбирларда халқимизнинг Бурҳон Сирожиддиновдек улуғ фарзандлари хотираларига ҳурмат бажо этилмоқда.

Ҳа, аждодларимиз жасорати — мангу барҳаёт. Халқимизнинг муносиб фарзанди генерал-лейтенант Бурҳон Сирожиддиновнинг эзгу ишлари дўстлари, фарзанд-набиралари, шогирдлари қалбида барҳаёт, унинг фидойиликка йўғрилган ибратли ҳаёт йўли авлоддан-авлодга ўтиб бораверади, давом этаверади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1200.
43642 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 02:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15